

2 – масала

“Институтда 2012 йил давомида бажарилган илмий тадқиқот ишларининг якунлари ва “Олий ўқув юртидан кейинги таълим, ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли қарори ҳақида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2013 йил 28 феврал 6/2-сонли қарори

“Институтда 2012 йил давомида бажарилган илмий тадқиқот ишларининг якунлари ва “Олий ўқув юртидан кейинги таълим, ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли қарори ҳақида”ги масала юзасидан илмий ишлар проректори **Э.Х.Исаковнинг** ҳисоботини тинглаб ва муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

2012 йилда жами **172 млн** сўмлик илмий тадқиқот ишлари бажарилиб, **800 дан** ортиқ илмий ишлар чоп этилган. Ушбу илмий-тадқиқот ишлари институтдаги мавжуд 7 та илмий лабораториялар, бир марказ ва бир комплексда олиб борилиб, уларга институтнинг деярли барча профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли талабалари жалб этилди. ДИТДларидаги амалий ва фундаментал мавзулар бўйича жорий йилда режалаштирилган барча кўрсаткичлар тўлиқ бажарилди.

Институт талабалари 2012 йилда Республика фан олимпиадасида 4 та ва бошқа турли хил танловларда 6 та совринли ўринларни қўлга киритдилар. **5 нафар** талаба Республика миқёсидаги танлов ғолиблари бўлишди. Институтда илмий-тадқиқот натижаларини таҳлил этиш мақсадида халқаро ва республика миқёсидаги **3 та** илмий анжуман ўтказилди.

Жорий йилда институтда илмий салоҳият **46 %** ва илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчиларнинг ўртача ёши **58** ни ташкил этди.

Институтдаги **11 йўналиш** бўйича стажёр-тадқиқотчи-изланувчи ва **3 та** йўналиш бўйича катта илмий ходим-изланувчилар фаолият кўрсатди ва жорий йилда педагог ходимлардан жорий йилда **7 нафари** номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида" 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон Фармони ва “Олий ўқув юртидан кейинги таълим, ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли қарори институт жамоатчилигида кенг муҳокама қилинди ва бу бўйича масъулларга тегишли вазифалар белгиланди.

Юқоридаги билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. “Институтда 2012 йил давомида бажарилган илмий тадқиқот ишларининг якунлари ва “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли қарори ҳақида”ги масала юзасидан илмий ишлар бўйича проректор **Э.Х.Исаковнинг** ҳисоботи тасдиқлансин ва ижобий баҳолансин.
2. Институтда хўжалик шартномалари ва давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган илмий тадқиқот ишларига катта илмий ходим-изланувчи ва талабалар кенгроқ жалб этилсин. **Масъуллар:** Факультет деканлари, ИваИПКТБ бошлиғи.
Муддати: 13 апрел 2013 йилгача.

3. Институда фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, айниқса илмий иш олиб бораётган ёш тадқиқотчилар томонидан ҳар ўқув йилида халқаро илмий ва Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси эътироф этган журналларда илмий мақолалар чоп эттириш йўлга қўйилсин. **Масъуллар:** барча профессор-ўқитувчилар, кафедра мудирлари ва илмий раҳбарлар. **Муддати:** ўқув йили давомида.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрда 365-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин. Унинг мазмуни ва моҳияти институт жамоасининг ҳар бир ходимига етказилсин. **Масъуллар:** деканлар, кафедра мудирлари ва ИваИПКТБ бошлиғи. **Муддати:** Бир ҳафта.
5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш илмий ишлар бўйича проректор **Э.Х.Исаков** зиммасига юклатилсин.



Илмий кенгаш котиби

Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

“Қурилишни бошқариш” факультетида амалга оширилаётган ўқув, услубий, илмий, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар ҳамда илмий кенгашнинг фаолияти тўғрисида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2013 йил 28 феврал 6/3-сонли қарори

“Қурилишни бошқариш” факультетида амалга оширилаётган ўқув, услубий, илмий, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар ҳамда илмий кенгашнинг фаолияти тўғрисида”ги масала юзасидан ўрганиш комиссияси раиси **А.Т.Қўлдашевнинг** ахборотини тинглаб, ҳамда муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

“Қурилишни бошқариш” факультетида амалга оширилаётган ўқув, услубий, илмий, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ўрганиш жараёнида амалга оширилган бир қатор ижобий ишларни кузатиш мумкин. Жумладан, факультет кафедраларида ўқитилаётган барча фанлардан ишчи дастурларнинг ва деярли барча фанлар бўйича ўқув-услубий мажмуаларнинг мавжудлиги, факультет профессор-ўқитувчиларининг халқаро, республика ва институт миқёсидаги илмий анжуманларда фаъл иштироки, ёш олимлар тамонидан охириги йилларда **3 та номзодлик диссертациялари** химоя қилинганлиги, “Мураббийлар кенгаши” фаолияти ва гуруҳ мураббийлари фаолиятининг яхши йўлга қўйилганлиги, факультет талабалари ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жинойтчилик ҳолатлари содир этилмаганлиги, факультетда амалга оширилаётган маънавий-маърифий, тарбиявий, спорт-соғломлаштириш ишларининг яхши йўлга қўйилганлигини санаб ўтиш мумкин.

Шу билан бир қаторда, юқорида текширилган соҳалар бўйича маълум миқдорда камчиликлар ҳам аниқланди. Хусусан,

- **“Касбий таълим”**, **“Шаҳар қурилиши ва кадастр”** кафедраларида ўқитиладиган айрим фанларнинг, шунингдек **“Қурилишда менежмент”** ва **“Информатика ва ахборот технологиялари”** кафедрасида ўқитиладиган фанлардан рус тилида ўқув-услубий мажмуанинг тайёрланмаганлиги;

- **“Шаҳар қурилиши ва кадастр”** кафедрасида ўқув-услубий ишларнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги, яъни кафедра иш режаси ва иқтидорли талабалар билан ишлаш режасининг талаб даражасида ишлаб чиқилмаганлиги, кафедрада ўтиладиган очиқ дарс режаси кўрсатилмаганлиги, кафедра профессор-ўқитувчиларининг дарсларида талабалар давоматининг пастлиги;

- Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланмаган илмий-тадқиқот ишлари бўйича кафедраларда илмий-тадқиқот ишларининг бажарилмаганлиги;

- Иқтидорли талабалар билан ишлашга, уларни шаҳар, вилоят ва Республика миқёсида ўтказиладиган конкурсларга жалб қилишга эътибор берилмаганлиги;

- Факультет профессор-ўқитувчилари томонидан АЛ ва КХКлари ўқитувчиларини илмий-тадқиқот ишларга етарлича жалб этилмаганлиги;

- Факультет кенгаши раиси томонидан кенгаш йиғилишларини ташкил этиш, баённомаларни тўғри расмийлаштириш ва унинг ижросини назорат қилишга жиддий эътибор қаратилмаганлиги каби ҳолатлар шулар жумласидандир.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва камчиликларни эътиборга олган ҳолда

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. **“Қурилишни бошқариш”** факультетида амалга оширилаётган ўқув, услубий, илмий, маънавий ва тарбиявий ишлар ҳамда илмий кенгашнинг фаолияти”ги масала юзасидан ўрганиш комиссияси раиси **А.Т.Қўлдашевнинг** берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. “Қурилишни бошқариш” факультетида амалга оширилаётган ўқув, услубий, илмий, маънавий ва тарбиявий ишлар ҳамда илмий кенгашнинг фаолияти **қониқарли** деб топилсин.

3. Факультет илмий-услугий кенгаши фаолиятини жонлаштирилсин ҳамда кафедраларда услубий кўрсатма ва қўлланмалар, ўқув услубий мажмуалар сифатли ва талаб даражасида тайёрлансин. **Маъсуллар:** факультет илмий-услугий кенгаш раиси ва кафедра мудирлари. **Муддати:** ўқув йили давомида.
4. АЛ ва КХК лар учун ўқув адабиётлари тайёрлашда, илмий-тадқиқот ва инновацион ҳамкорлик ишларини жонлантиришда факультет профессор-ўқитувчилари имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш ташкил этилсин. **Маъсуллар:** факультет декани, кафедра мудирлари, АЛваКХК учун маъсул қилиб бириктирилган профессор-ўқитувчилар. **Муддати:** ўқув йили давомида.
5. “Шаҳар қурилиши ва кадастр” кафедрасида ўқув, услубий, илмий, маънавий ва тарбиявий ишлар талаб даражасида бажарилиши учун кафедра мудир А.Худойбердиевнинг масъулияти кучайтирилсин. **Маъсуллар:** ўқув ишлари бўйича проректор, факультет декани.
6. Ўрганиш комиссияси томонидан факультет ва кафедраларда аниқланган камчиликлар **3 ой** муддатда бартараф этилсин. **Маъсуллар:** факультет декани, кафедра мудирлари. **Муддати:** 2012 йил 1-июнгача.
7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ўқув ишлари бўйича проректор **А.Т.Қўлдашев** зиммасига юклатилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

4 – масала

Хар хил масалалар.

Кун тартибидаги хар хил масалалар буйича сўз Р.Т.Эшмаматовга берилди.

I. Тарихий рисолани чоп этишга рухсат бериш тўғрисида.

Эшитилди:

“Социология ва иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори Ш.А.Ахадов ўқитувчи Ф.Ш.Ахадов билан биргаликда “Маданиятшунослик”, “Маънавий асослари ва диншунослик” фанларига тааллуқли “Қадимий ва ҳамиша барҳаёт Наврўзи олам ҳақида” номли тарихий рисолани чоп этишга рухсат бериш тўғрисида илмий кенгаш котиби Р.Т.Эшмаматовнинг ахбороти тингланди.

Керакли хужжатлар илова қилинган.

Илмий кенгаш қарор қилади:

“Социология ва иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори Ш.А.Ахадов ўқитувчи Ф.Ш.Ахадов билан биргаликда “Маданиятшунослик”, “Маънавий асослари ва диншунослик” фанларига тааллуқли “Қадимий ва ҳамиша барҳаёт Наврўзи олам ҳақида” номли тарихий рисолани чоп этишга рухсат берилсин.

II. Маънавий-фалсафий йўналишдаги илмий-услубий монографияни чоп этишга рухсат бериш тўғрисида.

Эшитилди:

“Геодезия, картография ва кадастр” кафедраси доценти Т.Қ.Қосимов томонидан “Тасвирий санъат ва тафаккур” номли маънавий-фалсафий йўналишдаги илмий-услубий монографияни чоп этишга рухсат бериш тўғрисида илмий кенгаш котиби Р.Т.Эшмаматовнинг ахбороти тингланди.

Керакли хужжатлар илова қилинган.

Илмий кенгаш қарор қилади:

“Геодезия, картография ва кадастр” кафедраси доценти Т.Қ.Қосимов томонидан “Тасвирий санъат ва тафаккур” номли маънавий-фалсафий йўналишдаги илмий-услубий монографияни чоп этишга рухсат берилсин.

III. Дарсликни чоп этиш тўғрисида.

Эшитилди:

“Иқтисодиёт ва кўчмас мулк экспертизаси” кафедраси профессори К.Б.Ганиев ва “Қурилишда менежмент” кафедраси доценти Г.И.Ганиевалар томонидан 5340200 – Менежмент (сохалар буйича) таълим йўналиши учун тайёрланган “Оценка недвижимости” номли дарсликни чоп этишга рухсат бериш тўғрисида илмий кенгаш котиби Р.Т.Эшмаматовнинг ахбороти тингланди. Керакли хужжатлар илова қилинган.

Илмий кенгаш қарор қилади:

“Иқтисодиёт ва кўчмас мулк экспертизаси” кафедраси профессори К.Б.Ганиев ва “Қурилишда менежмент” кафедраси доценти Г.И.Ганиевалар томонидан 5340200 – Менежмент (сохалар буйича) таълим йўналиши учун тайёрланган “Оценка недвижимости” номли дарсликни чоп этишга рухсат берилсин.

IV. “Илмий тадқиқот сектори” фаолиятини тугатиш ва Инновация ва интеграция марказини ташкил этиш тўғрисида.

Эшитилди:

Илмий ишлар бўйича проректор Э.Х.Исаковнинг Илмий тадқиқот секторининг Низомига Инновация ва интеграция, Олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги Инновацион Корпоратив ҳамкорликни йўлга қўйиш каби бир қатор қўшимча ва ўзгартиришлар киритилганлиги сабабли Институт илмий кенгашининг 2011 йил 10 март 7-сонли мажлисида “Илмий тадқиқот сектори” фаолиятини тугатиш ва Инновация ва интеграция марказини ташкил этиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш тўғрисида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Керакли ҳужжатлар илова қилинган.

Илмий кенгаш қарор қилади:

Институт илмий кенгашининг 2011 йил 10 март 7-сонли мажлисида “Илмий тадқиқот сектори” фаолиятини тугатиш ва Инновация ва интеграция марказини ташкил этиш тўғрисидаги қарорни бекор қилинсин.

V. “Малака ошириш ва қайта тайёрлаш” факультетининг НИЗОМини тасдиқлаш тўғрисида.

Эшитилди:

“Малака ошириш ва қайта тайёрлаш” факультети декани **Э.М.Маматов** билдиришнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 май ПҚ-1761-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 августдаги 242-сон қарори асосида қайта тайёрланган “Малака ошириш ва қайта тайёрлаш” факультетининг НИЗОМини тасдиқлаш тўғрисида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Керакли ҳужжатлар илова қилинган.

Илмий кенгаш қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 май ПҚ-1761-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 августдаги 242-сон қарори асосида қайта тайёрланган “Малака ошириш ва қайта тайёрлаш” факультетининг НИЗОМини тасдиқлансин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов